



# КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ :

## у қандай бўлиши керак?

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълим тизимидаги сифат ва самарадорликни жаҳон андозалари талаблари даражасига олиб чиқишга ҳизмат қилмоқда. Сайхунбод туманида ҳам бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, устоз ва мураббийларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазаси, уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, саломатликларини тиклашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ёш мутахассислар, аниқ фанлардан сабоқ берувчи мураббийларга катта имкониятлар яратмоқда. Шу боис туманда кадрлар қўнимчилиги, таълим даргоҳларини ташлаб кетиш каби нохуш ҳолатлар учрамайди. Ҳуқуқчилар фаолиятини яхшилаш, ижтимоий ҳимояларини кучайтириш мақсадида қўшимча маблағ манбаларини излаб топишга эришилмоқда. Қўмита таркибига кирувчи 60 га яқин таълим-тарбия муассасаларида меҳнат қилаётган 3955 нафар ходимнинг ҳуқуқ, манфаатлари, имтиёзлари шартнома ҳамда битимларда акс эттирилган. Ҳақлари йиллик ҳолатлар рағбатлантириш жағфармаси орқали 54 миллион сўмликдан ортқ миқдордаги маблағ билан тақдирланди.

Бугунги кунда мавжуд мактабларнинг 60 фоизи замонавий биналарга эга. Уларни таъминлашга жиддий эътибор қаратишмоқда. Таълимни тақомиллаштириш юзасидан ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Чунинчи, бундан 5 йил муқаддам Сайхун қўрғонда 175 нафар ўқувчига мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб таш-

кил этилган. Унинг илк қалдирғочлари ҳаётда ўз ўринларини топишга эришдилар. Бу ибратли иш қанот ёзиб қўрғонда 120 ўқувчи, 180 нафар мактаб ёшигача бўлган болаларга мўлжалланган боғча-мактабининг иш бошлаш кичиктоғларига янада чуқурроқ билим олиш имконини яратди. Ҳақлари йили тумандаги «Бирлашган» ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги «Қалдирғоч» болалар боғчаси ҳам боғча-мактаб йўсинида фаолият юрита бошлади.

Сир эмас, рағбатлантириш ходим меҳнати унумдорлигини янада оширади. Маъмурият ва касаба уюшмалари мактаблардаги иш шaroитини яхшилаш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Бунга бир мисол. Аксарият қўшни туман мактабларининг раҳбарлари ўқув масканларидаги шaroитларни ота-оналар кўмағида ҳал қилиш пайида бўлаётган бир шaroитда сайхунбодликлар маҳаллий бюджет ҳисобидан 7 миллион сўм миқдордаги маблағни мукамал таъмирлаш юмшларига сарфладилар. Ҳудуд 13 та мактабнинг 147 гектар ер майдонидан фойдаланиб, қўшимча даромад манбалари яратилаётгани диққатга сазовордир. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади деганларидек, ердан олинган қарийб 1 миллион сўмдан ортқ даромад кам таъминланган оилалар фарзандларининг ижтимоий ҳимоясига сарфлаб келинмоқда.

—Яқинда вилоят тармоқ қўмитаси ҳимойчилигида бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, мактаб раҳбарларининг ўқувчини ташкил этдик, - дейди туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Т.Ғаниев. — Унда касаба уюшма ҳуқуқлари ва фаолиятининг қалолатлари тўғри-

сидаги қонун ижроси, жамоа шартномалари тузиш, бошланғич ташкилот ишини ташкиллаштириш каби бир қатор долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Тавсиялар тингланди. Ҳайратанг, бу таълим тизимидаги изоҳотларни жадаллаштиришда ўз самарасини бермасдан қолмади.

Шу уринда бир гап. Туманда иқтидорли, изланувчан устозларни кадрлаш, улар меҳнатига муносиб баҳо бериш борасида ҳам ишлар намунали йўлга қўйилган. Борлигини ёш авлод тарбиясига бахшида этган муаллимлар эл олқишига сазовор бўлмоқда. 4 нафар устоз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони, 3 нафари «Шўхрат» медали соҳиби бўлдилар. Ҳақлари йили эса 6 нафар ўқитувчи «Халқ таълими аълочиси» нишонига муносиб деб топилди.

— Мактаблар моддий-техник негизининг яхшилаши ўқитувчиларга қатор имтиёзлар бермоқда, - дейди Сирдарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ташкилий ишлар бўлими муdiri Махмуджон Ашуров. — Қўшимча даромад ҳисобига янги имтиёзлар жорий этиш тақлифини киритдик. Жумладан, фарзандларнинг никоҳ ва суннат тўйлари, ўзларининг никоҳ, қумуш, олтин тўйларида, маърака, маросимларда оилавий шaroитга кўра иш ҳақи сақланган ҳолда 2-3 кунлик таътиллари бериш мумкин. Албатта, сақлаб қолинаётган иш ҳақи қўшимча топишдан даромад ҳисобидан қопланади. Бу тақлимиз туман фаолиятига маъқул тушди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«Ишонч» мухбири.

Кўхна Самарқанд нафақат тарихий меъморий обидалари, балки ўзига хос миллий ҳунармандчилиги билан ҳам оламга машҳур. Айниқса, Ургут сополи, Тойлок кабзачилиги, Самарқанд зардўзи, Сиёб дўппичилиги, Нуробод ва Кўшработ гиламлари, Иштихон мармари вилоят фахри саналади. Яқинда бўлиб ўтган «Ташаббус-2002» кўрик-танлови ушбу фикримизни яна бир бор исботлади. Унда Жомбойдаги «Фармасам КОЛТД» корхонаси раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Камолитдин Маҳмудов, сиёблик кандакор Лутфилло Сайидов ва ургутлик фермер Барно Мамадалиевлар голиб деб топилди.

**Суратда: ургутлик ҳунарманд Нўмон Облоқулов мухлислари билан.**  
**Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА)**  
олган сурат.



### «Ташаббус-2002»

**Анджон вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан вилоят ҳокимлигининг соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2002» кўрик танлови ўз якунини топди.**

Унда ўтган йил натижалари, молиявий кўрсаткичлар, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати, бизнес-режаларнинг ижроси чуқур таҳлил қилиниб, энг яхши ишбилармонлар танлаб олинди.

«Олтин мато» кўп тармоқли корхона жамоаси раҳбари Одинахон Хожиназарова «Энг яхши тадбиркор» деб тан олинди. Дарҳақиқат, ушбу мулкдорнинг ютуқлари таҳсинга лойиқ. Жамоада асосан болалар ва катталар кийим бошлари ишлаб чиқарилади. Жамоа шартномасида ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси, спорт соғломлаштириш, маданий ҳордиқ тадбирлари мустаҳкам ўрин олган.

Ишчиларни бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш ва тиббий ёрдам корхона ҳисобидан амалга оширилмоқда. Кейинги пайтда янги маҳсулот турларини ўзлаштириш эвазига қўшимча 30 та

янги иш ўрни яратилди. Даромад 4,4 миллион сўмга кўпайди.

Танлов голибларидан бири Алижон Аҳмедов раҳбарлик қилаётган «Оқ сув» фермер ҳужалиги нафақат Кўрғонтепа туманида, балки вилоятда ҳам доврағ таратган. Ҳақлари йили 158 тонна сўт, 25 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. 65 тоннадан зиёд қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

Барча харажатлар ва тўловлар қопланган ҳолда, ўтган йилни 2,1 миллион сўм соф фойда билан якунланди. Ногиронлар уйига 92 минг сўмлик, кам таъминланган оилаларга 465 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Танловда Раҳматхўжа Алижўжаев ҳам совринли ўринни эгаллади. У ясаган миллий ҳунармандчилик буюмлари хорижий миқозларга ҳам манзур бўлмоқда. Масалан, олмониялик Геро Федка кандакорлик намуналарини шахсий кўргазмаси учун сотиб олди. Раҳматхўжа аканинги буюмлари оламида таниқли бўлган «Винрок интернейшнл» халқаро ташкилоти мутахассиси жаноб Стив Вилькер, Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақавий иқтисодиёт бўлими бошлиғи жаноб Руту Анандлар иштирокида 8 та туманда кўргазмали семинар машғулотлари ўтказилди. Унда тадбиркорлик фаолиятида молиявий таҳлил, экспорт маркетингини уюштириш, бизнес режа тузиш, солиқ тизими тўғрисида гап борди.

Палата ҳузуринида тузилган ахборот-маслаҳат маркази тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда кўл келмоқда. Жорий йилнинг икки ойи мобайнида тадбиркорларнинг 200 га яқин мурожаати қуриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Дебиторлик қарзларини ундириш бўйича 20 нафар тадбиркорнинг даъво аризаси ҳўжалик судига оширилиб, улар фойдасига 156 миллион сўмлик пул ундириб берилди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**  
«Ишонч» мухбири.

### ТАЪЗИМ СИЗГА — УСТОЗЛАР

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Бухоро вилоят қўмитаси томонидан вилоят III босқич олимпиадаси голиблари ва таълим соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган бир гуруҳ фахрийлар иштирокида «Сизга таъзим устозлар» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирга ҳар бир олимпиада голиби бўлган ўқувчиларнинг устозлари ҳам тақлиф қилинди ва улар меҳнатига муносиб баҳо берилди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан вилоятда таълим соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшиб келётган бир гуруҳ нурионларга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Бундан ташқари, олимпиада голибларини тайёрлаётган 21 нафар фидойи ўқитувчи ва вилоят фан олимпиадаларининг голиб ўқувчилари ҳам муносиб тақдирландилар.

**Б.СУЛТОНОВА.**

### АҚШнинг таълим ва тил ўрганиш бўйича Акселс ташкилотининг Нукусдаги ваколатхонасида умумтаълим мактабларининг голиб ўқитувчиларига совғалар топширилди.

**АКСЕЛС СОВРИНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ**

Умумтаълим мактабларининг инглиз тили ўқитувчилари орасида тил ўрганиш дастури бўйича қорақалпоғистонлик беш нафар ўқитувчи ярим финалга етиб борганди. Икки нафар ўқитувчи эса голиб бўлиб, АҚШда етти ҳафталик семинарда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

Яқинда голибларга мамлакатимиздаги АҚШ элчихонасининг ва Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, ҳар бир ўқитувчига 200 АҚШ доллари миқдоридан, улар меҳнат қилаётган мактабларга 2000 АҚШ доллари миқдоридан техника воситалари топширилди.

Ҳолибларни Акселс ташкилотининг мазкур дастур бўйича директор Эрик Жакоб кўтлади.

«Туркистон-пресс».

## СЕВИМЛИ КАСБДА 40 ЙИЛ

Ярим кеча. Касалхонага ўрта ёшлардаги беморни оғир аҳволда олиб келишди. Шифокорлар уни зудлик билан тезкор даволаш хонасига жойлаштиришди. Бўлим муdiri, тиббиёт фанлари номзоди Исмоил Матқулиев ҳамкасб шогирдлари билан қўйган ташхис ҳулосалари зудлик билан операция қилиш лозимлигини тасдиқлади. У икки соатдан кўпроқ вақт давом этди. Жарроҳларнинг юқори малакаси, ўз касбларига чуқур масъулият билан ёндашишлари боис беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Хоразмда И.Матқулиевни юқори малакали жарроҳ, ўз касбининг чинакам устаси сифатида яхши билишди. У қарийб 40 йиллик меҳнат фаолияти давомида минглаб беморларни дарддан халос

этиб, одамлар раҳматига, меҳру-муҳаббатига сазовор бўлган. Қолаверса, жарроҳлик борасида ўзига хос мактаб яратган шифокорнинг Рустам Худойберганов, Отабий Хасанов, Гулсара Бекча-

нова, Султонбой ва Аминбой Султонов сингари шогирдлари вилоятнинг турли шифо масканларида ишлашмоқда.

Ҳозирги кунда устоз-жарроҳ Қўшқўпир тумани марказий шифохонасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимида фаолият кўрсатиб, йилга 400 дан ортқ катта-кичик операцияларни муваффақиятли амалга ошириб келяпти.

**Б.ЭРНАФАСОВ.**



Суратда: «Дўстлик» ордени нишондори, олий тоифали жарроҳ И.Матқулиев бўлим шифокорлари билан беморни кўздан кечирмоқда.

### «Бухоротекс» очик хиссадорлик жамиятига қарашли Олот тумани 6-Қурилиш таъмирлаш корхонаси жамоаси ўтган йили 40 миллион 955 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

## СОФ ДАРОМАД 10 МИЛЛИОН

- Қоракўл туманида «Қоракўлтекс» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасининг қурилиб фойдаланишга топширилганлиги катта иш бўлди, - деди қурилиш таъмирлаш корхонаси раҳбари Анвар Салимов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Ана шу улкан иншоотни қуриб фойдаланишга топширишда корхонамизнинг муносиб ҳиссаси бор. Ип-йигирув фабрикаси тўла қайта таъмирланиб, янги қўшма корхона барпо этилди. Бундай қурилишларда тажриба ортирган бунёдкорларимиз Олотдаги қишлоқ ҳўжалиги касб-

хунар коллежига ўқув ишлаб-чиқариш корпусини қуриб берди. Умуман ўтган йили корхона ишчилари 40 миллион 955 минг сўмлик иш бажарди. Соф даромади эса 10 миллион сўмни ташкил этди.

Корхона ишчилари бу йил ҳам катта режаларни кўзламоқда. Жамоа «Универсиада-2002» учун Бухоро шаҳридаги «Семурғ» спорт мажмуасини тўла қайта таъмирлаш ишларини олиб борапти. Шу билан бирга бунёдкорлар янги пахта тозалаш заводи қурилишида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

## БИР ЁҚЛАМА ШАРТНОМА...

### у кимнинг манфаатига хизмат қилмоқда

«Жиззах электр тармоғи» корхонасининг Низом фонди 3365771 минг сўмни ташкил қилиб, «Ўзбекэнерго» ДАК мулкнинг бир қисмини унга ўтказиш эвазига шаклланиб бормоқда. Корхона ўтган йили истеъмолчиларга режадаги 1286783 минг сўм ўрнига 1245282,6 минг сўм харажат қилган ҳолда электр энергияси етказиб берди. Пулли хизматлар бўйича кўрсаткичлар йил сайин ор-

тиб бормоқда. Корхона фаолиятида рақобатни чеклайдиган ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини камситадиган ҳолатлар мавжуд. Бундай ҳол ўтган йили тузилган 1245 та шартнома таҳлил қилинганда маълум бўлди. Истеъмолчилар билан тузилган шартноманинг «Иқтисодий санкциялар» бўлимида «Абонент ис-теъмол қилган электр энергияси ва қуввати учун ҳақни

ўз вақтида тўламаганда ҳар бир кечиктирилган кун учун жами тўланмаган пул миқдорининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлаши ва бу пеня миқдори умумий тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги» кўрсатилган. Лекин нима учундир «Энергиятаъминот» корхонаси абонентага ўз вақтида электр энергияси етказиб берилгани учун мажбуриятлар олишини «унутган».

Бундан ташқари, вилоят электр тармоқлари корхонаси ўз тасарруфидида 2686 та трансформатор қувватидан етарли фойдалана олмаяпти. Масалан, ўтган йили бу кўрсаткич 80,7 фоизни ташкил этди.

Корхона 2001 йилда ГРЭСлардан олган электр энергия қуввати 3749926 м.квт.с. бўлгани ҳолда вилоятдан ташиқари электр тармоқлари корхоналарига 2381325 м.квт.с. жўнатган. Бу 63,5 фоизни ташкил этди. Туман ва шаҳар корхоналарига эса 1368601 м.квт.с. энергия берилган. Шундан йўқотиш 27,1 фоизни ташкил қилди. Истеъмол миқдори эса лимит бўйи-

ча 76,9 фоизда қолиб кетди. Корхона иш тартиби истеъмолчиларга маълум қилинмаганлиги, хизматлар нархлари ва тарифлари тўғрисида, истеъмолчилар бурчаги ҳамон ташкил этилмаганлиги мутасаддилар парвоийга ҳам келмаяпти.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан аниқланган тизимдаги бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан «Жиззах электр тармоғи» корхонаси раҳбариятига ёзма кўрсатмалар берилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
«Ишонч» мухбири.

### НАВБАҲОРДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Навоий вилоятининг Навбахор туманида «Бентонит» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасини фойдаланишга топшириш ишлари қизгин олиб боришмоқда. Бу ерда Қоратўғ эстагидан бентонит қонидан олинаётган гилмога қайта ишланади. Мутахассисларнинг фикрича, қонда 160 йилга етидиган ҳомашё захираси мавжуд. Қўшма корхона йилга 40 минг тоннагача бентонит ишлаб чиқариш қувватига эга. Юқори сифатли бентонит поршоғи халқ ҳўжалигининг 50 дан зиёд соҳасида қўлланилади. Импорт ўринини босувчи бу маҳсулот республикамизда йилга 2-3 миллион АҚШ долларини тежаш имконини беради.

Айни кунларда бу ерда Олмониянинг «OCI» компаниясида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ишлари бажарилмоқда. Шу ойна охиригача барча юмушлар ниҳоясига етказилади ва апрелдан бошлаб корхонанинг биринчи навбати маҳсулот бера бошлайди.

**(ЎЗА)**



**Мукаррама Тургунбоева номидаги «Ўзбек-ракс» Миллий Рақс Бирлашмаси тизимидаги «Зарафшон» фольклор-этнографик йигитлар рақс дастаси нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам ўз мухлисларига эга. Улар яратган рақс тўпламлари катта сахналарда, халқ сайлари-ю, байрам тантаналарида томошабинларнинг давомли олқишларига сазовор бўлган. Ушбу дастанинг ижодий фаолияти билан яқинроқ танишиш мақсадида жамоянинг бош балетмейстери, таниқли раққос, хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматов раҳбарлигида машқ ўтказиб турган йигитлар хузурида бўлдик.**

**Сиз кутган учрашув**

мовларнинг «Йигит бўлсанг», «Ўғил бола» ҳамда «Анджоннинг мард йигити» каби янги кўшиқлари замонавий рақслар сахналаштирилди. Хозир эса Наврўз умумхалқ байрамига цирк артистлари — масхарабозлар ва полвонлар билан биргаликда ижро этиладиган «Наврўз сай-

гитларга хос кўпгина соф чапани ҳаракатларнинг ўз аксини топмаганлиги, деб биламан. Тўғри, бизнинг йигитлар ҳам ўзбекона ўзига хослик билан жозибали рақс туша оладилар. Фақат уни такомиллаштириш зарур. — Йигитлар рақсида чапани ҳаракатларнинг

**ЗАВҚИ ЗҶР ЙИГИТЛАР**

Машгулотлар жараёнида мураккаб ҳаракатлар бир неча бор такрорланар, такомиллашар ва сайқалланар эди. Янги рақсинг кичик бир элементини ўзлаштириш машаққатли меҳнат, пешона тери тўкиб ҳаракат уйғунликларини қайта-қайта такрорлашни талаб этарди.

— Қарийб бир соатдан бери машқларингизни кузатиб, шоғирларингизнинг сабот ва чидамига тасанно айтдик, — дея ниҳоят бирор дақиқа ҳам танаффуслар қилмадилар. Аксинча, жуда бери-

ҳаракат мусиқа тактлариға мослаб аниқ ва пухта бажарилмаса ўз жозибасини йўқотади. Айниқса, гуруҳ ижро этадиган рақсларда ижрочиларнинг синхрон ҳаракатлишини таъминлаш жуда кўп меҳнат талаб этади. Шунинг учун рақсни «чиданганга чиқарган» дейдилар. Бунда оддий ҳавас камлик қилади.

— Демак, бу йигитлар энг саралари экан-да?

— Ҳа, мана шу 11 нафар йигит рақс санъатининг барча машаққатларини енга олганлари. Улардан бири хизмат кўрсатган артист Эркин Қахҳоров — энг яқин ёрдამчим. Ўткир Қахҳоров, Улугбек Чоршанбиев,

ли» номли рақс композицияси устида ишламоқдамиз.

— Замонавий рақс-




лар деганда нимани назарда тутдингиз?

— Мумтоз рақслар устозлар яратган ва сахна-

— Албатта, халқнинг ўзидан-да! Давраларда, тўй-томошаларда кўнглига ёққан куй-чаллиниши билан завқи жўшиб, юрагидаги ўти билан отилиб рақсга тушиб кетадиган инсонлар, ҳатто кексаларимиз ҳам борки, улар чин дилдан, юракларини кўшиб рақс ижро этадилар. Уйнаётганларида беихтиёр шундай чапани ҳаракатлар қиладиларки, тасаннолар айтасан киши. Айтанча, Франция, Япония, Голландия, Таиланд, Малайзия каби хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлганимизда айнан шундай ҳаракатларни томошабинлар олқишлашди. Бизга кўшилиб хатто рақс тушдилар ҳам. Санъат чегара билмайди, деб шунга айтсалар керак-да.

Хуллас, бугун бизнинг энг биринчи галдаги режамиз халқимизнинг кўнглини хушнуд қиладиган ҳақиқий йигитлар рақсларини кўпроқ яратиш ва мухлислар эътиборига ҳавола этишдир.

Мирқодир ХУДОЙБЕРГАНОВ.



либ, завқ билан рақс тушдилар.

— Бу оддий меҳнат кунимизнинг бир кўрниши холос. Ана шундай шиддаткор машқларнинг ҳар куни 6-7 соатлаб давом этишига кўникиб қолганмиз. Акс ҳолда ҳақиқий санъатни яратиш бўлмайди. Йигитлар худди гимнастларга ўхшаб юқори суръат ва бетўхтов ҳаракатда ишлашга ўрганганлар. Ҳар бир

Нодир Отаматовлар ишонган шоғирдларим. Ака-ука Ойбек ва Тоҳир Хўжаевлар ҳам улар изидан бормоқдалар.

Дарвоқе, жамоянинг концерт репертуари ҳам шунга яраша жуда бой: кадимий халқ рақсларидан «Ёғоч оёқ ўйини», «Лаган ўйини», «Дилжирок», «Шодиёна», «Армуғон», «Тантана». Агар хабарингиз бўлса, яқинда хонандалар Илхом Иброҳимов ва Абдулхай Қари-

лаштирган асарлардир. Уларни ўрганиш, авайлаб-асраш ҳамда келажак авлодга етказиш бурчимиз. Лекин, замонавий мавзуларни ҳам қамраб олиш, сахналаштириш, элга етказиш даркор. Биз ўзбекларда йигитлар рақслари украин, Кавказ халқларининг йигитлар рақслари каби ўта оммалашмаганлиги сир эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири йигитлар рақсларида йи-



Катта ёшдаги одамларнинг бола бўлганини ҳеч кўрганмисиз?

Албатта, кўргансиз. Жуда кўп марта кўргансиз. Қаерда ва қачон эканлигини ҳам яхши биласиз. Ҳа, топдингиз — футбол деб аталмиш сеҳр-жодугина кишини шу кўйга солиши мумкин. Бинобарин, гарчанд майдонда бир қарашда уч хакам яна икки жамoadан ўн биттадан ўйинчи ҳаракат қилса-да, беихтиёр болага айланган, хаёлантин билмай елиб-юғураётган яна минг-минглаб мухлислар борки, улар ҳам футболчи, аслида «миллионлар ўйини» шулар учун сахналаштирилди, ижро этилади.

Мана, ниҳоят, орзиқиб қутилган лаҳзаларга ҳам етиб келдик. Бугун мамлакатимизнинг саккизта ста-

дионда XI миллий чемпионатимиз байроғи кўтарилди. Энг қизиқarli баҳс Қаршида — «Насаф» ва «Нефтчи» жамoалари ўртасида кечиши кутилмоқда.

Кутилмоқда, дейишимиз бежизга эмас. Гап шундаки, ўтган йили чемпионлик

**БУГУН... Стадионда учрашамиз**

шоҳсупасига кўтарилган Фарғонанинг бош командаси айни кунларда оғир дамларни бошдан кечирмоқда. Шу йил 2 март куни Рустам Дўрмонов бошқараётган «Нексия» машинаси бошқа бир улов билан тўқнашиб кетган. Натижада, нафақат Рустам, шунингдек унинг яна уч жамoадоши — Александр Писарев, Шерзод Раёйимжонов ва Мўминжон Маминаовлар ҳам жиддий жароҳат олишган. Шифокорларнинг фикрича, улар бир ойсиз майдонга туша олмайдди. Аксига олиб Умид Исоқов ҳам бетоб. Кўриниб турибдики, бош мураббий Юрий Саркисян бир йўла бир қанча муам-

моларни ечишига тўғри келади.

Табиики, Футбол федерацияси мазкур учрашувни бошқа бир мудиатга кўчириши ҳам мумкин эди. Лекин, унинг бир «аммо» си ҳам бор. Осие чемпионлари кубогининг ярим

финалигача етиб келган «Насаф» айни кунларда 3 апрелда бўладиган жиддий имтиҳон — Жанубий Кореянинг «Сувон Самсунг




кичи сифатида қаралаётгани табиий ҳолдир.

Футбол нафақат кўнглиодар ўйин, балки ўзига хос ребус — бошқотирма эканлигини энди ҳам инкор этиб кўринг-чи! Ҳар ҳолда 2002 йил футбол мавсуми ишқибозларга ўзининг қутилган ва қутилмаган тўхталарини тақдим этиши шубҳасиз. Бўсағанда тўрт йилда бир марта бўладиган глadiatorлар беллашуви — Жаҳон чемпионати. Албатта, у футбол мутахассисларини, шунингдек мухлисларни бефарқ қолдирмайди ва баъзи масалаларга ўзгача нукта назардан боқишга ўргатади, катта бир дарслик сифатида бекиёс қизиқиш уйғотади.

Лекин яна бир мулоҳаза борки, у бевосита ўз миллий чемпионатимизга муносабат ҳақидадир. Истардики, у ўз нуфузи ва аҳамиятига кўра халқаро турнирлардан кам бўлмаса! Худди Англия, Испания, Италия футбол чемпионатлари каби. Худди Канада ва АҚШ мамлакатлари хоккей клубларини бирлаштирган (НХЛ) Миллий хоккей лигаси сингарии...

Шундай қилиб, стадионда учрашгунча, азиз дўстлар!

З.РИХСИЕВ.



Тошкент шаҳридаги Шайхонтоҳур туманида ўз маҳоратлари ҳамда юқори даражадаги хизмат кўрсатиш маданияти билан кўпчиликнинг, шу жумладан қарияларнинг дуосини олаётган сартарошлар кўплаб топилади. Шуллардан бири тадбиркор уста Муҳаммадхон Пайзиевдир. Унинг 100 дан зиёд шоғирдлари айни пайтда республикамизнинг турли вилоятларида элимизга намунали хизмат кўрсатишмоқда.

Суратда: ёшлар мураббийси М.Пайзиев шоғирдлари билан.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

**Биласизми?**

**«ТУЗТАНГА» МУҲРИ**

Қадимда туз жуда тансиқ бўлган. 1641 йили Россияда бўлиб ўтган газовотлардан бири «туз исёни» номи билан машҳур.

XIV-XV асрларда жаҳон бозоридан туз қиймати жиҳатидан француз виноси, рус мўйнаси, инглиз жуни билан рақобатлашган, унинг қадри шу даражада ошганки, ҳатто айрим даврларда олтин билан баробарлашган. Туздан қайроқтош шаклида «туз танга» муҳрланиб, кенг муомала воситаси сифатида ишлатилган.

Океан туби тузининг энг бой хазинаси ҳисобланади. Бу ерда туз қатламлари 100 миллион квадрат километрга яқин майдонни эгаллайди.

Дунё океанида 8 миллиард куб метрдан зиёд натрий хлор тузи тупланган. Башарти океан сувидан жами ош тузини ажратиш олишнинг имкони яралса, Ер қуррасининг барча қуруқлик қисмини 130 метр қалинлидаги туз қатлами билан қоплаш мумкин бўларди.

Денгиз тузи ишлаб чиқаришда Франция, Греция, Испания ва иссиқ иқлимли бошқа мамлакатлар олдинги ўринда туради. Денгиздан олинаётган туз хозир дунё бўйича ишлатиладиган умумий ош тузи миқдорининг чорак қисмини ташкил этади.

**ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ**

**Истеъдод**

**ҲИЛОЛА ТАНЛОВ ГОЛИБИ**

Жиззах туманидаги Мамажон Комилов номли 29-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ҳилола Акрамова «Ташаббус—2002» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши хунарманд» деб топилиб, вилоят ҳоқимининг 1-даражали дипломи ҳамда эсдалик совғасини олишга мушарраф бўлди. Уч йилдирки, у ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келади. Шоғирдлари билан биргаликда тайёрлаган хунармандчилик буюмлари кўпчиликни хайратда қолдирмоқда.



Суратда: танлов голиби Ҳилола Акрамова.

Б.НОРКУЛОВ олган сурат.

— Бу хунарни дадам Ақром Мақсумовдан ўрганганман, — дейди у. — Дадам ёғоч устаси. Уйда эшик-дераза, стол-стуллар ясайди. Бу ишларда мен ҳам қарашаман. Мактабда ташкил қилинган «Ёш хунарманд» тўғарагига раҳбарлик қиляпман. Айни пайтда 15 нафар ўқувчини шу тўғаракка жалб этганмиз.

«Ташаббус—2002» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичи голиби Х.Акрамова танловнинг республика босқичида қатнашиш учун қизгин тайёргарлик кўраётти.

Суратда: танлов голиби Ҳилола Акрамова.

Б.НОРКУЛОВ олган сурат.

**«ШАҲТАҚУРУВЧИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Акциядорларнинг умумий мажлисини 2002 йил 26 апрел куни, соат 10.00да Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Наққошлик кўчаси 2-уйда ўтказлади.

**КУН ТАРТИБИ**

1. Акциядорлик жамиятининг 2001 йилдаги ҳўжалик-молиявий фаолияти натижалари ва 2002 йил бизнес-режани тасдиқлаш.
2. Бухгалтерлик йиллик баланс ва аудиторлик текширув хулосасини тасдиқлаш.
3. Умумий масалалар.



Бухгалтерлик баланснинг актив ва пасиви 1.01.2002 йилги ҳолатига 83704,8 минг сўм, устав фонди 23685 минг сўм.

Маълумот учун телефонлар: 79-67-80, 79-73-82

Умумий мажлисда қатнашувчи акциядорларда паспорт ва юридик шахсларнинг ишончномаси бўлиши шарт.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

**ISHONCH**

**МУАССИС:**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир**

**Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Тахрир хайъати:**

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dstlink.net; ishonch1@dstlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 23.20

**Маълумоти:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютериди терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сוטудая эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.